Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 214 (4612).
21 СЕНТЯБРЬ 1981 й.
ДУШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Шаҳрим — фахрим*

ҚАТНОВ ЙЎЛИ КЕНГАЯДИ

«Гордорстройремонт» трестининг 1-ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари Фарҳод кўчасини реконструкция қилишга тайёргарлик кўришяпти. Бу кўча чеккасидаги йўлкалар тартибга келтирилиб, транспорт қатнов йўли кенгайтирилади. Пиёда йўловчилар ва транспорт ҳаракати учун бошқа қулайликлар ҳам яратиш кўзда тутилган. Бошқарма ишчилари бу ерда жами 130 минг сўмлик иш бажаришади. Энг муҳими реконструкция ишлари пайтида кўчада транспорт ҳаракати тўхтатилмайди.

Бошқарма коллективи янги объектга ўтиш олдидан Юнусобод массивидаги 67-мактаб атрофларида йўл ва йўлкалар қуриш, Уйғур кўчасида 3 километр жойни капитал ремонт қилиш ишларини бажарди. Бунда Н. Кузнецов ва К. Кастанарос бошчилигидаги бригадаларнинг йўлсозлари ғайрат кўрсатишди.

ПРАВДА саҳифаларида

● Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Умумий ва амалий химия бўйича XII Менделеев съездининг қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрик телеграммаси эълон қилинган.

● Шонли воқеа — Белиза давлати мустақил деб эълон қилинганлиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Белиза Бош министри Жорж К. Прайсга табрик телеграммаси йўлланди.

● «Фондларнинг самарадорлиги» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.



СУРАТДА: Тошкент трактор заводи 19-цехининг илғор йигувчи-слесари комсомол аъзоси Хакимбой Бўрнев, У смена-ойлик топшириқларини мунтазам 129—130 процент адо этиб, коллектив ютугига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

СЎЗ — ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИГА

Ташаббускорлик самараси

Агар ҳар бир партия ташкилоти ўз участкасида барча резервлардан фойдаланиб, ҳамма ишда тегишлича тартиб ўрнатса, у ҳолда бутун мамлакатнинг иши тағин ҳам юришиб кетади...

(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладидан).

Партиямиз XXVI съездидан сўнг ҳали унчалик кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо съезд арафаси ва ундан кейин авж олган меҳнат активлиги ва ташаббускорлик руҳи тобора кучайиб боряпти. У белгилаб берган режаларни изчил амалга оширишга кўмаклашяпти. Бу кўча чеккасидаги йўлкалар тартибга келтирилиб, транспорт қатнов йўли кенгайтирилади. Пиёда йўловчилар ва транспорт ҳаракати учун бошқа қулайликлар ҳам яратиш кўзда тутилган. Бошқарма ишчилари бу ерда жами 130 минг сўмлик иш бажаришади. Энг муҳими реконструкция ишлари пайтида кўчада транспорт ҳаракати тўхтатилмайди.

Бошқарма коллективи янги объектга ўтиш олдидан Юнусобод массивидаги 67-мактаб атрофларида йўл ва йўлкалар қуриш, Уйғур кўчасида 3 километр жойни капитал ремонт қилиш ишларини бажарди. Бунда Н. Кузнецов ва К. Кастанарос бошчилигидаги бригадаларнинг йўлсозлари ғайрат кўрсатишди.



Осиё Солиҳова 17 йилдан бери шаҳримиздаги Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасида меҳнат қилиб келади. У корхонада йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақада пешқадам лик қилаётганлардан бири. Смена нормасини 150 процентга етказиб адо этиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

СУРАТДА: О. Солиҳова. Х. Мирзакаримов фотоси.

• *Йиллик план — 7 ноябрга*

Сифатга — муҳим эътибор

«Уй-жой қурилишининг умумий ҳажмида йирик панелли ва катта ҳажмдаги блокли уй-жойлар қуриш салмоғи оширилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Пойтахтимизда уй-жой қурилиши кўламининг йил сайин ошиб бориши ва уларнинг сифати яхшиланишида Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли Пардозлаш трести 29-қурилиш бошқармаси меҳнат коллективларининг ҳиссаси гоят катта. Эндиликда шаҳримизда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида йирик панелли ва катта ҳажмли блокли уй-жойлар қуришга муҳим эътибор бериляпти. Чунки, уйсозликни яна шу асосда ривожлантириш иш унумини ва сифатини оширишга, вақт ва материаллардан тежамкорлик билан фойдаланишга имкон беради.

Энг муҳими, бунда пардоз ишларининг сифати ва унуми янада яхшиланади. Ҳозир бошқармамизнинг кўплаб бригадалари «Марказ—22» кварталидаги дастлабки йирик панелли тўққиз қаватли уй-жой биносида пардоз ишларини олиб боришяпти. 130 га яқин пардозчини бирлаштирган бошқармамизнинг тўққиз бригадаси ҳамжиҳатлик билан ишламоқда. Тўғрисини айтганда пардозчиларимиз учун бу объектда иш фронти муддатидан кечроқ тайёрланди. Шунга қарамай, биз бинони Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигигача фойдаланишга топширишга аҳд қилдик.

Бу борада Ф. Довутов бошлиқ мозаикачилар, М. Юсупов бошлиқ дурадгорлар бригадалари амалга ошираётган ишлар айниқса салмоқли бўляпти.

Ш. УЗОҚОВ,
Тошкент қурилиш Бош бошқармаси Пардозлаш трести 29-қурилиш бошқармасининг прораби.

• *Олий ўқув юртларида*

Қувончли натижалар

БУГУН

Тошкент автомобиль йўллари институтида олий ўқув юрти студент қурилиш отрядларининг меҳнат семестрида бажарган ишлари натижалари кўриб чиқилди. Институтда ташкил этилган 15 та студент қурилиш отряди бир миллион сўмликдан зиёд иш бажариб, белгиланган план-топшириқни муддатидан илгари ортиғи билан адо этди.

Отрядлар республикамиз ва иттифоқ қурилишларида меҳнат қилишиб, катта малакаю тажрибаларни қўлга киритишди. Тува АССР қурилишларида бунёдкорлик кўрсатган «Осиё» ва «Авангард» отрядлари жами 450 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Сурхондарё, Тошкент областлари объектларида жавлон урган «Дорожник», «Автомобилист», «Вираж» сингари отрядлар 400 минг сўмликка яқин иш бажаришди. Бу отрядларнинг жангчилари қурилишларда гайрат кўрсатиш билан бирга қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига сабзавот ва меваларни йиғиб-териб олишда ҳам яқиндан ёрдам беришди.

— Бу йил, — дейди олий ўқув юрти комсомол комитетининг секретари Р. У. Абдуллаев, — институтимизда биринчи марта интернационал студент қурилиш отряди ташкил этилди. Ана шу отряд жангчилари Чехословакия Социалистик республикасининг пойтахти — Прага объектларида 40 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Айни пайтда прагалик студентлар ҳам пойтахтимиз қурилишларида шижоат билан меҳнат қилишди.

Дарҳақиқат, институт студент қурилиш отрядлари бу йил катта кўрсаткичларга эришдилар. Бу кўрсаткичлардан руҳланган юзи ёруғ студентлар КПСС XXVI съездидан кейинги биринчи ўқув йилида ўқишда ҳам қувончли натижаларга эришиш учун кунт билан илм чўққиларини забт этмоқдалар.

• *Барвақт қурамиз, барвақт ўзлаштиримиз*

Суръатни ошириб

«Асосий диққат-эътибор асос ий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларининг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлашга қаратилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Партия ва ҳукуматимиз уй-жой қурилиши, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига йил сайин тобора кўпроқ маблағ ажратмоқда. Шаҳримизда уй-жой, маданий-маиший ва социал-маданий иншоотлар қурилиши, кўчалар, майдонларга асфальт ётқизиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, суғориш тармоқларини яхши ҳолатга келтириш, дам олиш учун янги-янги хиёбонлар барпо этиш, умуман пойтахтнинг умумий қиёфасини яхшилаш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Янги Тошкентни бунёд этишда трестимиз коллективи ўзининг муайян ҳиссасини қўшмоқда. Масалан, водопровод ва канализация тармоқлари, тротуарлар, трамвай йўллари, ер ости, темир йўл шохобчалари бунёд этиш, биноларнинг томларини ёпиш, изоляция ишлари, канализ усулда иссиқлик тармоқлари қуриш каби ишлар олиб борилмоқда. Бу ишлар ўнинчи беш йилликда муваффақиятли адо этилди. Қарийб 600 минг сўмликка яқин қўшимча фойда кўрилди...

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини зарбдорона меҳнат билан бошлаган трестимиз коллективи саккиз ойликда барча иқтисодий кўрсаткичлар: умумий қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бўйича планни 102, 2; ўз кучлари билан бажариладиган ишларни қарийб—101 процент адо этди. Умуман планга қўшимча бажарилган ишлар 250 минг сўмликдан ортиб кетди.

1981 йилда трест коллективи олдида 12 миллион 730 минг сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини, ўз кучлари билан эса, — 12 миллион 400 минг сўмлик ишларни бажариш, меҳнат унумдорлигини 3,3 процент ошириш, шаҳарда 19 та болалар боғчаси, 8 та мактаб ва иккита мактабга қўшимча бино, 108 та турар-жой биноси, 32 та бошқа объектлар қуриб фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилган. Бу ишлар яхши адо этилаётганлигини қуйидаги рақамдан билиш мумкин. Биз юқорида қайд этган саккизта мактабдан еттитаси қуриб фойдаланишга топширилди, шунингдек битта мактабда қўшимча бино, тўққизта болалар боғчаси қурилди. Шу йилнинг уч ва тўртинчи кварталида яна 10 та боғчани қуриш керак. Ҳозир бешта боғча қурилишида иш олиб борилмоқда.

Бундай ютуқларга трестда ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, янги техника тадбирларини амалга ошириш, рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларига кенг йўл очиш, бригада пудрати асосида ишлашга ўтиш туфайли эришилмоқда. Ўзаро социалистик мусобақада 73-қурилиш бошқармасининг автогрейдерчиси Ю. В. Пономарев, термоизоляция қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи В. Н. Захарьин, 71-қурилиш бошқармасининг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Е. Кринников ва бошқалар пешқадамлик қилишмоқда.

Коллективимиз Тошкентнинг 2 минг йиллик байрамида ишга туширилиши керак бўлган улкан иншоотлар қурилишида меҳнат қилмоқда. Жумладан «Хадра» майдонида транспорт қатнов ер ости йўли, «Москва» меҳмонхонаси, усти ёпиқ бозор. Китоблар уйи, турар-жойлар ва бошқа объектлар қурилишида жадал суръатларда иш олиб борилмоқда. Тошкент шаҳри аҳолиси учун кўплаб уй-жойлар ва бошқа бинолар қурилмоқда. Бу, совет кишиларининг турмушини янада фаровон этиш юзасидан КПСС XXVI съезди қабул қилган қарорларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан гувоҳлик бериб турибди. Ана шу ҳайрли ишда трестимиз коллективи ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади ва меҳнат ютуқларини тобора ошираверади.

Р. АСРИЕВ.
«Главташкентстрой»нинг «Таштрансспецстрой» трестининг бош инженери.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

БЕМИННАТ «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

«Мамлакат газ таъминоти яхлит системасининг иш самарадорлиги ва пухталиги оширилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981— 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан.)

Ўн биринчи беш йилликнинг саккиз ойи ортда қолди. Бирлашмамиз меҳнатчилари КПСС XXVI съезднинг кам ҳаражат билан энг юксак натижаларга эришиш ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилиб, қувончли ютуқларни қўлга киритишди. Шаҳар газ хўжалигидан фойдаланишни яхшилаш, янги тармоқлар қуриш, квартираларни газлаштириш, аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Шу йилнинг саккиз ойи плани ва социалистик мажбуриятларимиз барча асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича оширилиб бажарилди. Ҳозирги фойдаланишдаги уй-жой фондининг салкам 4 минг квартираси табиий, 660 квартира суюлтирилган газ билан таъминланди. Бундан ташқари янги қурилган 6490 квартира газлаштирилди. Сергели—4, Қорасув—3, Қўйлиқ—5Б ва бошқа микрорайонларга «Зангори олов» келтирилди. Айниқса, Акмал Икромов, Ҳамза ва Собир Раҳимов районларидаги уй-жой фондини газлаштириш тез суръатлар билан олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Аҳолига 831 минг сўмлик, шу жумладан пландан ташқари 152 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилди.

Кейинги йилларда шаҳардаги қувурларда босимни барқарор қилиш ва гидравлик режимни яхшилаш бўйича кўп иш қилиняпти. Бундай мақсад ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам барча категориялардаги истеъмолчиларга газ етказиб беришдир. Жумладан, Акмал Икромов районининг «Бешқайрағоч» массивидаги ҳусусий уйлар. «Бешқайрағоч» қозонхонаси ва Октябрь районидаги катор кўчаларни газ билан барқарор таъминлаш масаласи ҳал этилди. Бунинг учун юқори, ўрта ва паст босимли 6 километрли қувурлар ётқизилди.

Шаҳарга иссиқлик етказиб берувчи йирик корхоналарнинг газ билан таъминланишини яхшилашга алоҳида эътибор берялпти. Трактор заводи ва 2-район қозонхонасига 12 километрли юқори босимли кувур ётқизилди. Бу Тошкент трактор заводи, Луначарский шоссесининг жанубий томони ва Қорасув массивларини иссиқлик билан таъминлаш масаласини ҳал этиш имконини берди. Хулоса қилиб айтганда ана шу ишларнинг барчаси аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилгандир.

С. КУЧАРОВ,
«Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженери.

ИШЧИ МИНБАРИ

Ягона мақсад йўлида

«Енгил саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 18—20 процентга оширилсин. Кўплаб талаб қилинаётган юқори сифатли моллар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 —1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Бригадамиз бирлашманинг пешқадам цехларидан бири — 2-эркаклар шими ишлаб чиқариш цехида зарбдорона меҳнат қилади. Коллективимизда 50 дан зиёд комсомол-ёшлар бўлиб, бригада аъзоларининг ҳар бири шахсий план-топшириқларни 20 —25 процентга оширибадо этмоқдалар.

Масалан, илғор тикувчиларимиздан А. Мирзаева ва Р. Иногомовалар қўлга киритаётган ютуқлар, айниқса, қувончлидир. Бу пешқадам тикувчиларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида қирқа яқин тикув операцияларини бошқара олишлари натижасида ойлик план-топшириқларни 180— 200 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Коллективимизнинг илғор тикувчиларидан А. Мирзаева ва Р. Иногомовалар қўлга киритаётган ютуқлар, айниқса, қувончлидир. Бу пешқадам тикувчиларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида қирқа яқин тикув операцияларини бошқара олишлари натижасида ойлик план-топшириқларни 180— 200 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Бригадамиз шу кунларда октябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Н. Христунова, С. Аҳмедова, А. Сосновкина, А. Галимзянова сингари тикувчиларнинг зарбдорона меҳнати натижалари, айниқса, таҳсинга лойиқдир. Коллективимиз ойлик планни ноябргача уддалаш учун ғайрат кўрсатмоқда.

В. ОРИПОВА,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ВАТАН ХИРМОНИГА УИГАН «ОҚ ОЛТИН»ЛАРИ ЯРИМ МИЛЛИОН ТОННАДАН ОШИБ КЕТДИ.

Районлар ўртасидаги соцналистик мусобақада Фарғона областининг Киров район пахтакорлари пешқадамлик қилишмоқда. Улар 19 сентябрга қадар йиллик планни 35 процентдан ошириб бажардилар.

Беш йилликнинг биринчи йили улкан хирмони учун кураш Тошкент областида ҳал қилувчи босқичга кирмоқда. Ҳосил учун курашга 2.882 пахта териш комбайни, 637 кўрак терувчи машина, 319 механик подборшчик, 891 пахта тозалаш машинаси, пахтани қопқанорсиз ташиш учун мўлжалланган 9.590 трактор прицепи, 500 юк ортувчи мослама, 270 кўчма устахона, 345 ёнилғи ташувчи автомобиль киришмоқда.

«Ташгазтохлокопром» область бирлашмасининг корхоналари мўл ҳосилни қабул қилиб олишга шай. Улар йиллик планнинг 8—10, айрим тайёрлов пунктларида эса йиллик планнинг 12—13 процентга миқдоридаги «оқ олтин»ни қабул қилиб олишлари мумкин.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XVII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг VIII сессияси 1981 йил 24 сентябрь соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг маҳлислар залида очилади (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй).

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 14.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

телетайп лентасидан

● **БУДАПЕШТ.** Венгрия нон қазиш саноати ходимлари кунини нишонлади. Кончилар ўзларининг профессионал байрамларини янги-дан-янги муваффақиятларга эришиш билан кутиб олдилар. Тармоқ меҳнаткашлари меҳнат унумдорлигини мунтазам ошира бориб, ишлаб чиқаришни методини такомиллаштириб, мамлакатнинг ёқилғи-энергетика базасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Байрам арафасида Надьедхазда энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги шахта ишга туширилди.

● **РИМ.** Италия коммунистлари партия раҳбарларининг улар олдига қўйган коммунистик матбуот фондига бу йил 17 миллиард лира маблағ тўплашдан иборат вазифани муваффақиятли бажармоқдалар.

«Унита» газетасининг хабар беришича, ҳозирги вақтгача Италия Коммунистик партияси нашр этаётган газета ва журналлар фондига 12 миллиард 500 миллион лирадан кўп маблағ тушган.

● **КОБУЛ.** Бандитлар ва террорчилар қўлида ҳалок бўлган ота-оналарнинг фарзандлари учун Афғонистон пойтахтида болалар уйи очилди. Бу ерда 40 нафар ўғил ва қиз бола бор. Давлат уларни боқиш ва тарбиялаш ишини батамом ўз зиммасига олди. Болалар уйининг очилиши — Афғонистон Халқ демократик партияси ва ДРА ҳукумати ёш авлод тўғрисидаги ғамхўрлигининг ёрқин кўрини-шидир ва бу — мамлакатда болаларнинг қаровсиз қолишига қарши кураш йўлидаги дастлабки қадамдир. Партия планларида мамлакатнинг барча вилоятларида ана шундай муассасалар очиш кўзда тутилган.

● **АДДИС-АБЕБА.** Эфиопия пойтахтида «Адей Аддис» йигирув-тўқув фабрикасининг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги корпуси ишга туширилди. Нилга 2 минг 600 тонна калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонада 630 меҳнаткаш ишлайди. ГДРнинг техникавий кўмаги билан қурилган бу фабрика мамлакат тўқимачилик саноатининг талабини кўп даражада таъминлайди.

● **САН-ФРАНЦИСКО.** АҚШдаги аҳоли энг кўп бўлган Калифорния штатида 768 минг киши ишсиздир. Айниқса, «ортиқча кишилар» қора танлилар (11,4 процент) ва ёшлар (17 процент) ўртасида кўпдир. Калифорнияда ҳарбий саноат комплексига катта фойда келтирувчи ишсизликнинг кўплиги ҳарбий тайёргарликлар иш билан таъминлашни «кўпайтиришга» ёрдам беради, деб исбот қилишга уринаётган ишлар фикрини рад этади.

● **РАНГУН.** Бирмада мамлакатнинг асосий озиқ-овқат ва экспорт қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулоти сўл-ган шоли экиш ниҳоясига етди. Деҳқонлар ҳукуматнинг ўтган йилги рекорд ҳосилидан ошириб дон йиғиштириб олиш ва бу йил қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг 4,9 процент ўсишини таъминлаш тўғрисидаги чақириғига актив қўшилдилар.

Шоликорлар асосий куч-ғайратни ҳосилдорликни оширишга қаратмоқдалар. Планга кўра, ҳосилдорлик гектаридан 33,6 центнерни ташкил этиши лозим. Бирмадаги етакчи шоликорлик областларининг кўплаб районлари давлат тажриба селекция станцияси мутахассислари яратган юқори ҳосилли навларни етиштира бошлади.

(ТАСС).

• Беш йиллик ва коммунист

МЕҲНАТ ЭСТАФЕТАСИ

Мана ўн йилдан ошдики, Неъматжон Йўлдошев «Промстройкомплект» бошқармаси 1-темир-бетон буюмлари заводининг полигон цехида қолипчи бўлиб ишлаяпти.

— Бу касбни эгаллашимда устозларим: Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, коммунист Ражаб Хусанов билан тажрибали ишчи Юнус Сармонбетовнинг хизмати катта, — дейди у. —улар менга касб сирларини эринмай ўргатишди, менда дадиллик, ишонч уйғотишди. Улар қўлидан ҳунар ўрганган ёшлар республикамизнинг турли саноат корхоналарида ва ўзимизнинг заводда ҳам муваффақиятли меҳнат қилишяпти. Раҳим Раҳмонов, Мамашариф Узоқов, коммунист Ҳасан Мирқиловлар шулар жумласидандир.

Ҳозир Н. Йўлдошевнинг ўзи мураббийлардан бири. Заводда унга ўхшаб бой тажриба орттирган, ўзларининг тажрибаларини ёшларга ўргатаётганлар кўп. Улар ўзларига бириктирилган ёшларга меҳнатнинг илғор усулларини ўргатмоқдалар, энг янги техника ва технологияни ўрганишга ёрдам бермоқдалар, уларга актив таъсир кўрсатмоқдалар, юксак уюшқоқлик, интизом ҳиссини тарбияламоқдалар.

Корхонада мураббийларни танлашга жиддий эътибор берилмоқда. Уларнинг номзодлари партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларида муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Шуни айтиш керакки, кўпгина мураббийлар ўз ишчи ўринбосарларини вояга етказиш, уларни меҳнат эстафетасини бемалол қабул қилиб оладиган қилиб тарбиялашдан иборат мураккаб ва фахрли вазифаларини муваффақиятли адо этмоқдалар. Масалан, тажрибали токарь А. Ануфриев ҳозир А. Кондратьевга меҳр билан ҳунар ўргатмоқда. Арматурачилар бригадири Владимир Матвиенко эса ўниничи синфни битириб ишчи бўлиши нетаган Насиба Примқуловага касб ўргатмоқда. Лаборатория бошлиғи Анна Губарь ҳам ёшларга ҳунар ўргатиш ва уларни тарбиялаш учун куч-гайратини аямайди.

Корхона партия комитети мураббийлик ишларини координациялаш мақсадида заводда мураббийлар кенгаши ишини мунтазам кузатиб боради. Унинг сафига энг яхши ишчилар, маъмурият ва жамоат ташкилотларидир. Касаба союз комитети ва комсомол комитети у билан ҳамкорликда иш олиб боряпти.

Кенгаш мажлисларида цех ва бригадалар раҳбарлари, шунингдек мураббийларнинг меҳнатни ташкил этиш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилмоқда. Шу билан бирга кенгаш аъзолари мураббийларга зарур методик, амалий ёрдам кўрсатадилар, энг яхши мураббийларнинг иш тажрибасини ёядилар. Бу ишларда арматурачилар бригадири Ф. Швецов, мастер Ф. Найбук, слесарь Ю. Латипов сингари кенгаш аъзолари айниқса активлик кўрсатяптилар.

Партком уларнинг иш методикасини такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқда. Заводда ўн йил ишлаган ишчиларга «Ишчи кадр», ўн беш йил ишлаганга эса—«Меҳнат ветерани» деган номлар берилади. Электр пайвандчи, нешкадам коммунист Г. Артемьева, бетончи Е. Исаева, А. Примқулов, машинист В. Филь ана шундай номга сазовор бўлганлар. Уларнинг номлари «Ҳурмат тахтаси»га ёзилган.

Корхонада ишчилар синфига бағишланган кечалар, дастлабки маошни нишонлаш, пенсияга кузатиш кунларини ўтказиш анъана бўлиб қолган. Бунда кинофильмлар намойиш қилинади, бадиий ҳаваскорларнинг концертлари уюштирилади. Партком ва касаба союз комитети олиб борётган тарбиявий ишларнинг барча форма ва методлари ёшларда ишчиларнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига муҳаббат туйғусини тарбиялашга қаратилгандир.

— Шуниси қувончлики, — дейди завод комсомол ташкилотининг секретари Аброр Тўйчиев, — корхонамизга турли томонлардан келган йигит ва қизлар мураббийлар қўлида ҳунар ўрганишяпти. Илғор комсомолларимиздан Виктор Бударев, М. Мусакаев, Нурхса Шукуровлар ҳозир ветеранлар билан бир сафда ишлашяпти. Завод яқинида жойлашган 48-ўрта мактаб билан яхши алоқа ўрнатилган. Бу мактабнинг кўпгина битирувчилари корхонага ишга келаётгани ҳам бежиз эмас.

Завод коллективи ўн биринчи беш йиллиқнинг дастлабки йили учун мажбуриятлар олган. Йиллик план 29 декабргача бажарилади, планга қўшимча равишда 60 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади, меҳнат унумдорлиги анча ошади.

... Корхонага ҳар тонгда ишга келаётган одамлар орасида ёш йигит ва қизлар тобора кўпаяётганини пайқаш қийин эмас. Улар —ишчилар синфининг ёш авлоди бўлиб, ўз устозлари ишини муносиб давом эттиришга аҳд қилган ва беш йиллик эстафетасини давом эттираётган ёшлардир.

С. НИШОНБОЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Норозиликлар тўлқини кучаймоқда

АҚШ ва бошқа империалистик давлатларнинг қуролланиш пойгасини кучайтириш, социалистик мамлакатлардан ҳарбий устунликка эришиш, оммавий қирғин қуролининг янги, тағин ҳам ваҳшиёна турларини вужудга келтириш йўли хусусида бутун дунёда кескин норозиликлар билдирилмоқда. Ер курраснинг халқлари Вашингтон сиёсатчиларининг найрангларини оқибатида ядро уруши қурбонлари бўлишни хоҳламайдилар.

СОФИЯ. Америкада олисликка учадиган ядровий ракеталарини Ғарбий Европа территориясида жойлаштириш режалари Европадаги барча халқларни катта таҳликага солмоқда, деди Илмий ҳодимлар жаҳон федерацияси раисининг ўринбосари, болгар академиги Кирил Братанов.

Илм-фан аҳли ўз фаолиятига кўра ядро урушининг оқибатларини ҳеч кимдан яхшироқ билади, шу сабабли улар ўртоқ Л. И. Брежневнинг ядро фалокати олдини олиш ҳаётий зарурат эканини кўрсатиб берадиган мўътабар халқаро комитет тузиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайдилар, деб таъкидлади К. Братанов.

* * *

ВАШИНГТОН. Ғарбий Европада ўртача олисликка учадиган Америка ракета-ядро қуролини жойлаштиришга қаршилик ҳаракати бу районда тобора кенгайиб бормоқда, деб хабар қилади Американинг Си-би-эс телекомпанияси Бонндан берган репортажида. Телекомпания мухбирининг айтишича, АҚШ президенти Р. Рейганнинг нейтрон қурол ишлаб чиқариш тўғрисида яқинда қабул қилган қароридан кейин милитаризмга қарши ҳаракат айниқса кучайиб кетди.

Си-би-эс шуни таъкидлайдики, мана шу ҳаракат қатнашчилари ҳамма нарсани батамом йўқ қилиб ташлаш учун Европада ҳозирнинг ўзидаёқ етарли ядро воситалари бор, шу сабабли Американинг қўшимча қуроли ядро уруши бошланиши эҳтимолини кучайтиришдан бошқа нарсага олиб бормайди, деб ҳисобламоқдалар.

* * *

ЛОНДОН. Вашингтон бошлаган милитаристик йўл натижасида дунёдаги вазият тобора кескинлашиб бормоқда, деди Шотландия тред-юнионлари конгрессининг бош секретари Жеймс Милн. НАТОнинг Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда ўртача олисликка учадиган янги ядровий ракеталарни жойлаштириш тўғрисидаги режалари дунёни ядровий уруш фалокатига гирифтор қилиш хавфини туғдирмоқда. Башарти янги жаҳон уруши бошлангудек бўлса, у, Вашингтондаги баъзи арбоблар даъво қилаётганидек, асло «чекланган» уруш бўлмайди. Бу урушда ҳеч ким ғолиб чиқмайди, деб таъкидлади Ж. Милн. Бу уруш инсоният маданиятининг емирилишини билдиради. Шу боисдан ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ тинчлик учун курашни кучайтириш муҳимдир.

МУҲИМ ВАЗИФА

БОНН. Меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун кураш Ғарбий Германия меҳнаткашларининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда, ГФРнинг ишчилар синфи кўплаб ишдан бўшатишларга, корхона эгаларининг ўзбошимчалигига стачкалар ва намойишлар билан жавоб қайтармоқда.

Касселдаги «Энка» химия фирмасининг ишчи ва хизматчилари икки ҳафтадан буён ишга чиқмаяптилар. Улар маъмурият 800 ишчини бўшатиш режаларидан воз кечишни талаб қилмоқдалар. Германия Компартиясининг маҳаллий ташкилоти, шаҳардаги бошқа корхоналарнинг ишчилари иш ташлаган кишиларни кўллаб-кувватладилар. «Энка» фирмаси ишчиларининг иш жойларини сақлаб қолиш тўғрисидаги талабномасига Касселнинг 35 минг аҳолиси имзо чекди.

Франкфурт-майнда меҳнаткашларнинг оммавий намойиши ўтказилди. Шу ердаги «Адлер-верке», «Ферайнигте дойче метальверке» заводларининг, бошқа корхоналарнинг 10 мингдан зиёд ишчи ва хизматчилари ишсизликка, кўплаб ишдан бўшатилишларга, ўзларининг социал аҳволи ёмонлашаётганлигига қарши қатъий норозилик билдирмоқ учун шаҳар кўчаларига чиқишди. Улар ишлаб чиқаришни капиталистларча «рационализация» қилишни қораладилар. «Рационализация» натижасида кейинги йилларда шаҳардаги завод ва фабрикаларда ўн минглаб иш жойи тугатилди.

Мураббийчилик ҳаракатига-кенг йўл

ЖОНКУЯР

Цех коллектив йиғилиши кўтаринки руҳда ўтди. Любовь Ивановна Клементьева ва унинг бригадаси шаънига ажойиб гаплар айтилди. Бу коллектив партиямизнинг XXVI съездига зиммаларига олган социалистик мажбуриятни шараф билан адо этиб, планга қўшимча 50 минг метр газламага қайта ишлов берганди. Бригада шундан кейинги ойларда ҳам юксак кўрсаткичларни қўлга киритди. А. Беляева йиғилишда бу ютуқларини кўрсатиб ўтиш билан биргаликда, бошқа бригадаларнинг бу коллективдан ўрнак олишини сўраганди. Шу билан бирга мазкур бригада меҳнат қилаётган участка «масъулиятли участка» эканлигини қайта уқтириш ҳам унутилмади. Бунинг ҳаммаси тўғри, аммо Любовь Клементьева назарида муҳим нарса эсдан чиқарилган эди. Асосий гап айтилмаган эди... Бу, коллективда кадрлар масаласи ва ёшларнинг меҳнатдаги роли ҳамда ёшларда касбга кўникма ҳосил қилишда мураббий ишчилар тутаётган йўл ва усуллар ҳақида бирор оғиз сўз айтилмаган эди.

Худди шу пайт унинг ёнидан ювиш агрегатида ишлайдиган ёшгина ишчи қиз шошилибгина ўтиб қолди. Чамаси, цех бошлиғининг кабинетига бормоқда. Қўлида ариза, албатта ишдан бўшатиш ҳақида...

Клементьева қиз ортидан борди. Измаиз цех бошлиғи кабинетига кирди. Цех бошлиғи Александра Девяткина индамайгина қизнинг аризасига қўл қўйиб берди. Афтидан қиз югур-югур билан Девяткинани рози қилган эди. Бўлмаса у бу қадар осонлик билан ўз ишчисини қўйиб юбормасди.

— Кетяпсанми, қизим? — сўради Клементьева қиз билан тил топишиш, иложи бўлса уни ўз бригадасида олиб қолиш умидида. Қиз эътибор бермади. «Тақ-тақ» юрганча чиқиб кетди.

— Қўяверинг, — деди цех бошлиғи «фойдаси йўқ» дегандай қўл силтаб.

— Нега бўшаяпти? — Цех ҳавоси ёқмасмиш. Такасалтанг.

— Ҳм...

Бу гап унга алам қилиб кетди. Очиғи, қаттиқ жаҳлини чиқарди. Ахир иккинчи уйидай бўлиб қолган қадрдон цехи тўғрисида бу хил гапириш кимга алам қилмайди. Мана 25 йилдирки, шу даргоҳда тер тўкади. Цех коллективи кўз олдида ўсди, малшиналарнинг такомиллашув жараёнларининг гувоҳи бўлди. Қанча-қанча ишчиларга касб ўргатиб, уларнинг коллективда қарор топишига ёрдам берди. Буларни эслаш нақадар кўнгилли, аммо ёшлар нега бу қадар сабр-тоқатсиз, чидамсиз? Унинг миясида яна ёшлар масаласи чарх ура бошлади. Фикрини цех бошлиғига айтганда, у елка қисди. Кейин деди:

— Билмадим. Айтмоқчи сизга яна иккита ёш ишчи бермоқчимиз. Розимисиз?

— Бажонидил.

— Қизиқ. Ёшлар билан ишлашдан ҳеч қончмайсиз-а, ахир бу ўзига хос машаққатку?—деди цех бошлиғи хайратини яширгиси келмай.

— Агар мен чўчисам, бошқалар чўчиса эртанги кунда коллективда иккаламиздан бошқа ҳеч ким қолмайди-ку.

Шу аснода бир неча ой бурунги воқеа жонланди. Ўшанда ҳам унга иккита қиз бириктирилган эди. Маълумки, «масъулиятли участка» деб ном олган тук қуйдириш машиналарида меҳнат қилиш бригаданинг ҳар бир аъзосидан катта маҳорат талаб қилади. Смена охирига бориб иккала қизда ҳам хафсаласизлик ва ҳорғинлик ҳолатлари пайдо бўлди. Агар иш шу зайлда кетса, уларнинг меҳнатдан қочиши турган гап эди. Чунки, у бунақа воқеаларни кўп кўрган эди. Асосий мақсади ёшларни олиб қолиш, касбига муҳаббат уйғотиш эмасми, у ўша кезларда ойлаб 2—3 кишининг ишини бажарган, қизларда меҳнат кўникмасини ҳосил қилгунча ойлаб ихтиёрий равишда барча қийинчиликларни зиммасига олганди. Демак, бу гал ҳам ўша иш зиммасига тушаркан-да. Цех бошлиғи ўшанга ишора қилганди.

— Биласизми? — деди Клементьева фикрини жамлаб, — бундан 4—5 йил олдин цехимиз қизларга бой эди. Ҳозир эса кўпгина ишларда йигитлардан фойдаланяпмиз, студентлар ёрдамига таянаяпмиз. Ёшларнинг қўнимсизлиги ҳамон давом этаяпти...

— Сабабини сўрамоқчимисиз? — унинг сўзини бўлди цех бошлиғи.

— Сабаби аён.

— Ҳўш?

— Мураббий ишчиларимиз ёшларда яхши меҳнат кўникмасини ҳосил қилиша олмаяпти. Ёшга касб ўргатишни шунчаки мажбурият деб ўйлашди. Аслида бу ҳам катта иш эканлигини тан олгилари келмайди.

— Тўғри, янаги йигилишда бу фикрингизни ўртага ташланг.

— Албатта.

Любовь Ивановна Клементьева мана 25 йилки, тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг оқартириш цехида меҳнат қилиб келади. Ёшларга касб ўргатишни асосий вазифа деб билган бу илғор ишчи «ёшлар — келажагимиз» деган принципга қатъий амал қилади. Етти кишилик коллективдаги М. Раззоқова, А. Нурбекова, Р. Худойбердиева, Ш. Исҳоқов каби ёшлар ундан касб ўрганиб, бугунги кунда цех илғорлари бўлдилар, ишлаб чиқариш планларининг бажарилишини 110— 115 процент ташкил этмоқда.

Клементьева навбатдаги цех йиғилишига тайёргарлик кўрмоқда. Давлат планини бажариш ҳар бир ишчининг муқаддас бурчи бўлганидек, ҳар бир ёш ишчини коллективга қўшиш ҳам мураббийнинг асосий иши бўлмоқлигини уқтирмоқчи. Ҳа, уни бекорга жонқуяр мураббий дейишмайди. У XXVI съезд қарорларини амалга оширишда барча имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

Т. ХАЙИТБОЕВ, Н. НОРҚОБИЛОВ.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Самарқандда чўпонларнинг анъанавий байрами бўлиб ўтди. Маҳаллий театрлар ва филармония артистлари, бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари шу кунга атаб махсус программа тайёрладилар. Шаҳар спорт базаларида курашчи паҳлавонларнинг мусобақалари бўлиб ўтди. Ёш чўпонлар енгил атлетика секторларида, югуриш йўлкаларида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Областда бундай байрамлар чўпонлар мавсуми— чорва қишлови арафасида ўтказилмоқда.

* * *

Узбек кинематографиячиларининг шу ном билан аталган янги асари Тўрақўрғонда намойиш қилинди. Узбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи фильмнинг кўпгина эпизодлари ана шу районда суратга олинган. «Узбек оқсоқоли» Фарғона водийсида яшаган, революцион фаолиятини шу ерда бошлаган. Фильмни яратган кишилар янги лента устида олиб борилган ишлар ҳақида гапириб бердилар, тўрақўрғонликларга съемкалар пайтида кўрсатган ёрдамлари учун қизғин миннатдорчилик билдирдилар.

* * *

Бўз районидаги медицина бирлашмасининг сайёр амбулаторияси пахтазорлар бўйлаб сафарга чиқди. Медиклар бригадасида терапевт, хирург, акушер-гинеколог, лаборант, фармацевт бор. Улар дала шийпонларида кишиларни қабул қилиб, меҳнат қилиш ва дам олиш режимига риоя қилиш тўғрисида маслаҳатлар берадилар. Терим мавсумида ўттиздан ортиқ ихтисослаштирилган медиклар бригадаси Андижон областининг пахтакорларига хизмат қилади. Область касалхонаси ва медицина институти клиникасининг илғор мутахассислари, врачлардан иборат группалар тузилган.

Т. ХАЙИТБОЕВ, Н. НОРҚОБИЛОВ.

(ЎзТАГ).



Узбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи мамлакатимиз пахтакорларига нўпалаб такомиллашган машиналар етказиб бермоқда, УПХ — 1,5(В) типидаги нўсағ чувиш машиналари ана шулар жумласидандир.

СУРАТДА: корхона 5-цехининг илғор электр пайвандчиси Анатолий Исаев. У смена-ойлик топшириқларини 120 — 130 процент адо этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ПАРТИЯНИНГ МИЛЛИЙ СИЁСАТИ

Мамлакатимиз Коммунистик партияси ленинча миллий сиёсати тарихини тасвирловчи очерк — «КПССнинг миллий сиёсати» китоби босилиб чиқди.

Муаллифлар марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, КПССнинг асосий ҳужжатларини таҳлил этганлар, етук социалистик жамият қуриш ва тадрижий равишда коммунизмга ўтиш даврида партия миллий сиёсатига доир совет тарихчилиги проблемаларини кўздан кечирганлар. КПССнинг миллий сиёсатини сохталаштирувчи буржуа қаллоблари танқид қилинган.

Китобни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ҚЎПОЛЛИГИ УЧУН

Редакцияга келган хатлардан бирида трамвай—троллейбус ҳайдовчисининг қўполлиги кўрсатилган эди.

Трамвай—троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасидан олинган жавобда маълум этилишича, газетхон кўрсатган рейс чиндан ҳам айрим авиация ҳодимларининг бепарволиги оқибатида содир бўлган. Жумладан, смена бошқарувчиси вазифасини бажараётган О. Қаххоровага ҳайфсан эълон қилинган.

Баъзи бир газетхонлар юкларни вақтинча асраб туриш камераси ходимларининг ножўя муомалаларидан устидан шикоят қилишган эди. Авиабўлинма бу масалаларга ҳам чора кўрилганини ва тартиб ўрнатилганини маълум қилди.

ШОФЁР ЖАЗОЛАНДИ

Бошқа бир хатда газетхон 1-автокомбинатга қарашли такси шофери Ниёзохуновнинг йўловчига қилган ноўрин хатти-ҳаракати борасида шикоят қилган эди.

Автокомбинат раҳбарларининг хабар қилишича, бу шоферга нисбатан ҳам жазо берилган, у бир ой муддат билан бошқа ишга кўчирилган.

НАВБАТЧИЛАР ТАЙИНЛАНДИ

Газетхонлардан бири «Нукус» кинотеатридаги тартибсизликлар тўғрисида ёзган эди.

Шаҳар кинолаштириш бошқармаси бу хатга ҳам жавоб бериб, Санъат саройида аҳолига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланганини маълум қилади.

ТАРТИБСИЗЛИК ТУГАТИЛДИ

Бошқа бир хатда Санъат саройидаги тартибсизликлар борасида арз қилинган эди.

Шаҳар кинолаштириш бошқармаси бу хатга ҳам жавоб бериб, Санъат саройида аҳолига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланганини маълум қилади.

КЕЧИКТИРИЛГАН РЕЙС

Газетхонлар хатларидан бирида Тошкент аэропортида баъзи бир рейсларнинг сабабсиз ушланиб қолаётгани кўрсатилган эди.

Тошкент авиабўлинмасидан олинган жавобда маълум этилишича, газетхон кўрсатган рейс чиндан ҳам айрим авиация ходимларининг бепарволиги оқибатида содир бўлган. Жумладан, смена бошқарувчиси вазифасини бажараётган О. Қаххоровага ҳайфсан эълон қилинган.

Баъзи бир газетхонлар юкларни вақтинча асраб туриш камераси ходимларининг ножўя муомалалари устидан шикоят қилишган эди. Авиабўлинма бу масалаларга ҳам чора кўрилганини ва тартиб ўрнатилганини маълум қилди.

ҲИМОЛАЙ ОРҚАЛИ РАДИОКЎПРИК

ДЕҲЛИ. Тез орада Ҳимолай тоғларининг ғарбий чўққилари орқали СССР билан Ҳиндистон ўртасида радиокўприк ўтказилади. Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатидаги ўн икки каналли алоқа станцияси радиотўлқинлар юбориб туради. Бу тўлқинлар тропосферадан ва Ҳиндқуш тоғининг чўққиларидан қайтиб, Душанбе ва Тошкентдаги станциялар томонидан қабул қилинади ва махсус кабель ва радиореле линиялар орқали ундан нарига юборилади. Тропосфера линияси Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқи билангина эмас, шу билан бирга Европадаги бошқа мамлакатлар билан ҳам пухта алоқа қилиб туришини таъминлайди. Икки мамлакат ўртасида 1977 йилда тузилган битимга мувофиқ Ҳиндистоннинг ердаги станцияларида совет радио ускуналари ўрнатилмоқда, совет инженерларининг ёрдами билан ҳинди мутахассислар тайёрланмоқда.

Ҳозир Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида телеграф, телефон ва телекс алоқаси ишлаб турибди. Яқинда ер сунъий йўлдоши орқали ўтадиган линия икки мамлакат пойтахтларини боғлади. Аммо доимо кўпайиб бораётган информация оқими кўшимча коммуникация воситалари вужудга келтирилишини тақозо этди.

Давлат алоқа министри Картик Ораон Ҳиндистон парламентининг юқори палатасида гапириб, кўп каналли бевосита тропосферавий алоқа яратиш борасидаги ишлар якунловчи босқичга кирди, деди. Асосий асбоб-ускуналар синовдан яхши ўтмоқда. Тез орада линия ишга тушади. Тропосферавий алоқа ўрнатилиши Ҳиндистон— Совет ҳамкорлиги ўзаро манфаатли туфда эканлигининг янги далилидир, деб таъкидлади министр.

А. БОХОНЬКО.



Қўшма Штатларда конституцияга аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини эълон қилувчи тузатиш киритилишини талаб қилаётган мамлакат жамоатчилигининг оммавий чиқишлари давом этмоқда. Америкалик аёллар ҳамон касб танлаш, ўқишга кириш, ишга жойлашишда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга эмас. Хотин-қизларнинг 80 процентдан зиёди энг кам ҳақ тўланадиган ишларда машғул.

СУРАТДА: оммавий намойиш қатнашчилари Оқ уй олдида.

Л. Пахомова фотоси.

ЭНГ ЎТКИР ПРОБЛЕМА

ВАШИНГТОН. АҚШнинг туб аҳолиси— индеецлар ҳамон Америка жамиятининг қувғинлари бўлиб қолмоқдалар.

Расмий статистика маълумотларига кўра АҚШнинг индеец аҳолиси иктимоий ҳаётнинг барча соҳаларида шафқатсиз камситилиб, ғоят ачинарли кун кечирмоқда. Ҳозир тахминан 650 минг индеец резервацияларда ва 350 минг индеец мамлакат катта шаҳарларидаги «Қизил гетто» деб аталмиш маҳаллаларда яшамоқда.

Бундан бир неча ўн йиллар муқаддам илгари бўлгани каби ҳозирги вақтда ҳам ишсизлик индеецларнинг энг ўткир проблемаларидан бири бўлиб қолмоқда. Матбуот маълумотларига кўра ишсизлик 40— 50 процентга боради.

Камбағаллик, қашшоқлик ва очлик шунга олиб келмоқдаки, индеецнинг ўртача умр кўриши 44 ёшдан ошмайди. Индеецларнинг кўпчилиги ўрта ва ҳатто бошланғич маълумот олиш имкониятидан махрумдир.

Америка туб аҳолисининг кураши активларидан Р. Каултер расмий Вашингтоннинг Америка индеецларига нисбатан ўтказаётган сиёсатини гражданлик ҳуқуқлари ва эркинликларнинг бевосита бузилиши деб атади. АҚШ, деб уқтирди, у, индеецларга нисбатан ошкора геноцид ва шафқатсиз ирқий камситиш сиёсатини ўтказиб келмоқда.

Маъмурлар «Америка индеецлари ҳаракати» активларига қарши суд-жазо органларидан кенг фойдаланмоқдалар. Туб аҳоли озодлиги учун курашчилардан Р. Минс, Д. Бэнкс, Л. Пелтиерга қарши қилинган шафқатсиз репрессиялар бутун дунёга маълум. АҚШ маъмурларининг бундай хатти-ҳаракатлари Хельсинки ҳужжатларининг руҳи ва мазмунинигина бузиб қолмай, шу билан бирга ҳамма томонидан қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни ҳам оёқ ости қилади.

Ишсизлар кўпаймоқда


ПАРИЖ. Францияда сўнгги 12 ой мобайнида ишсизлик 27 процент ошган. Меҳнат министрлигининг бу ерда эълон қилинган сўнгги маълумотларига кўра, август ойининг охирида мамлакатда ишсизлар 1 миллион 840 минг кишидан ошиб кетган.

АҚШда уюшган жиноятчилик

ВАШИНГТОН. АҚШда уюшган жиноятчилик ғоят тез суръатлар билан кўпаймоқда. Федерал маъмурлар ана шу социал иллатга қарши курашишда ожизлик қилмоқдалар. Пойтахтда чиқадиган «Перейд» ҳафталик газетаси шундай хулоса чиқаради. У келтирган кўпдан-кўп фактлар мафиянинг қўли Америка жамияти ҳаётининг тобора янгиянги соҳаларига кириб бораётганлигидан далолат беради. Чунончи, сенатор С. Наннинг сўзларига кўра қимор ва қора дорини яширинча сотиш каби пулни ғайри-қонуний равишда шилиб олишнинг «анъанавий» соҳаларига қўшимча суратда уюшган жиноятчилик корчалонлари банк ва биржаларда қаллоблик қилишга, касаба союз фондлари ва ҳукуматнинг социал ёрдам программаларини ошкора ўғирлашга тобора актив қўл урмоқдалар.

Сенатнинг маълумотларига кўра бугунги кунда уюшган жиноятчилар мамлакат турли-туман касаба союзларининг неча юзлаб маҳаллий бўлимларини бирон-бир даражада назорат қилиб турибдилар. Мафия касаба союзнинг юқори доираларидан сотқин амалдорларни қидириб топиб, улардан кенг фойдаланмоқда, деди АҚШ юстиция министрининг ёрдамчиси Т. Пуччио. Юк машиналари шоферлари касаба союзининг пенсия фондидан катта-катта маблағлар ўғирланганлигини тафтиш этиш чоғида шу нарса аниқландики, шу касаба союзда мафия билан қалин алоқада бўлган ва ғайри қонуний қаллобликлари учун турма жазосини ўтаган. А. Дорфман деган кимса ғазначи лавозимини эгаллаб турган. Порт юкчилари касаба союзининг юқори доираларига мафия жуда кўплаб суқулиб кирганлиги тўғрисидаги маълумотлар конгрессда тингланган вақтда шу нарса маълум бўлдики, жиноятчилар «ўз одамлари» орқали иш кўриб, шантаж ва таъмагирлик, порахўрлик ва контрактларни соҳташлаштириш ёрдамида миллион-миллион доллар пул орттирган.

А. ЛЮТИЙ.



Ришат Галимов 1978 йили Тошкент экскаватор заводи қошидаги 86-ҳунар-техника билим юртини муваффақиятли тугаллаб, 2-механика цехига ишга келди. Меҳнатсевар йигит ўзининг тиришқоқлиги билан тез орада коллектив ҳурматини қозонди. Шу кунларда смена топшириқларини 10—15 процентга ошириб адо этиб, ҳамкасб-токарларга ўрнак бўляпти.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Шарқ юлдузи

СЕНТЯБРЬ СОНИДА

Журнал У. Азимовнинг «Қуёшли олам» драматик достони билан очилади. Наср ихлосмандлари И. Раҳимнинг «Оқибат» ва Р. Тагорнинг «Бибҳа соҳили» романларининг охирини ўқишлари мумкин.

Шунингдек журналдан Айёмий ва Д. Ҳасанларнинг янги шеърлари ҳам жой олган.

В. Зоҳидовнинг «Шарқ енгмоқда» публицистик мақоласи, А. Ершовнинг «Қаловини топсанг...» очерки журналхонлар эътиборини тортади.

Улкан адиб, давлат ва маданият арбоби Шароф Рашидовнинг Москвада чоп этилган беш жилдлик асарлар тўпламига бағишланган мақолаларга ҳам журналда кенг ўрин берилган. «Танқид ва адабиётшунослик», «Санъат», «Юбилярларимиз», «Тақризлар» ва «Гулқайчи» рубрикалари остида ранг-баранг материаллар бор.

АЙЁМИЙ

ЛЕНИН СЎЗИДАН

Улуғ Ленин сўзи бонс мудом шону зафар топдик,
Ҳаёт лаззатларининг чашмидин болу шакар топдик.
Ғаму ҳасрат, ноумлик сингари ҳол бизга бегона,
Буюклик маснадида бахтни биз дунё қадар топдик.
Ижобат топди орзулар, абад гулгун баҳор гўё,
Туганмас, ҳар қарич ер бағридин кону самар топдик.
Мусаллам бўлди ишлар ҳар нафас ою қуёш янглиғ,
Улар нури чарогонлик сочиб олтин камар топдик.
Қуёшдек чеҳралар равшан, кўнгиллар тонг каби тоза,
Баланд тоғ чўққисин ўтмоқ учун шонли сафар топдик.
Қадди кўк гумбазидек беадад қасри муаллолар,
Жилодорликда бир нурдек, қуёш, ойдин хабар топдик.
Неча ибрат, музаффарлик намоён бўлди даврода,
Шу важданким жаҳон аҳли аро ҳайрат, назар топдик.
Кремль меҳридан давронимиз оламда яктодир,
Замин, осмонимиз нисбатдаким, олтину зар топдик.
Не бахт, Айёмий, ёшш букун етмишдин ошмишдир,
Ленин бонс умрда не ғазал, неча асар топдик.

Усмон АЗИМОВ



Қуёшли олам

(ДРАМАТИК ДОСТОНДАН ПАРЧА)

ИККИНЧИ ЛАВҲА

Ҳавфли одам, Бепарво, Хушомадгўй, Порахўр ва Мансабпараст.

Ҳавфли одам
Бугунги кенгашдан мақсадим шулки,
Менга оқилона маслаҳат беринг.
Ёки қўлингиздан келган ҳимматни
Аяманг, қарз бўлиб қолмаймиз биз ҳам...

Хушомадгўй
Кўп яхши ўйлабсиз, кўп асл ният!

Ҳавфли одам
Жонимдан ўтказди бир ялангоёқ.
Сизларга ишониб унга сўз бердим —
Ки эрта меники бўлади қуёш.

Хушомадгўй
Албатта, сизники бўлади қуёш.
Осмонга қўл чўзинг — тамом-вассалом!

Ҳавфли одам
Хўш, нима дейсизлар?

Бепарво
Менга барибир...
Кўпчилик ортидан бораверaман...

Хушомадгўй
Ўлманг! Бу ҳақиқий йигитнинг сўзи.

Порахўр
ўйланиб
Қуёш деңг? Мушкул иш. Ўйламоқ зарур.
Фикримни эртага балки айтарман...

Хушомадгўй
Улуғ ғоя!
Ўйла-ю кейин сўйлагин!

Ҳавфли одам
Эрта кеч бўлади.

Порахўр
Кеч бўлади денг?
чуқур ўйга толади
Қуёш жуда ёруғ... Шундай эмасми?

Хушомадгўй
Туришингиз ақл!

Ҳавфли одам
Очиқ гапиринг.

Порахўр жилмайиб
Биз ҳам ғарқ бўлайлик ўша қуёшнинг
Қисирлаган қизғиш шуълаларига...

Ҳавфли одам
Оббо, мугомбир-ей!
Порахўрнинг чўнтагига пул солади
Қалай бағрингиз
Қуёшнинг тафтидан исиб кетдими?

Порахўр
Музлаган ақлимиз бирдан эриди!
Кечгача бирон-бир йўлин айтарман...
Энди хизматчилик... Халқнинг ташвиши...
Айланиб келайин...

кетади

Ҳавфли одам
Мансабпарастга
Маслаҳат сиздан!

Мансабпараст
Биринчидан, анча хом ўйланибди.
Самода дурустроқ таништимиз йўқ.
Ою юлдузларга ошна эмасмиз;
Яна ўйлаб кўринг, бу ишнинчидан.
Қуёшни чўнтакка урадиган сиз.
Аммо зулмат ичра қолган оламни
Бошини силамоқ бизнинг вазифа;
Учинчидан, бошни силатмайди ҳам,
Арзи-доду танқид...



Жабр тортар ким?
Биз учиб тушамиз кресломиздан...

Ҳавфли одам
Елимлаб ташлайман креслонгизни!

Хушомадгўй
Ҳар айтган сўзингиз гавҳари маъно!

Мансабпараст
Елимланиб қолсам ўз кресломда,
Бу ташвиш-ғалвадан менга не фойда?

Ҳавфли одам
Сиз ҳам балосиз-ку!
Нима истайсиз?

Мансабпараст
Биринчидан, ҳаёт мудом ўсишда...
Биз ҳам унинг ўсган...
Ҳеч унутмаймиз...

Хушомадгўй
Унутиб бўлмайди аламни зинҳор!

Ҳавфли одам
Майли, ўстирамиз...

Кулиб
Аммо ўшанда
Қўрқмайсизми зулмат босса оламни?

Мансабпараст
Нимадан қўрқамиз?
Биз қурашамиз!
Тадбир белгилаймиз, чора кўрамиз,
Мажлис ўтказамиз, сўзга чиқамиз,
Қўнғироқ қоқамиз, хатлар ёзамиз —
Хуллас, фойдаланиб бор-йўқ имкондан.
Жиддий ҳал қиламиз бу масалани.

Ҳавфли одам
Менда қолади-ку барибир қуёш!

Мансабпараст
Гап қуёшда эмас, тушунмаяпсиз...
Аввало тадбирлар ўтказмоқ муҳим —
Қарор қабул қилмоқ, нутқ ирод этмоқ...

Ҳавфли одам
Қоғозга кўмилиб, бошни гангитиб
Ишламаслик учун ишларкансиз-да!

Хушомадгўй
Эшитинг, гап эмас олтин-а, олтин!

Мансабпараст
Нега ишламаймиз? Ишлаймиз...

Ҳавфли одам
Майли...
Боринг, илтимосим ерда қолмасин.

Мансабпараст кетади

Ҳавфли одам
Бепарвога
Сукут нимадир? Ўйлаяпсизми?

Бепарво
Юрагимни қисиб нима қиламан...

сукут

Ҳавфли одам
Қуёш зўр нарса-да!

эснаб
Қуёш зўр нарса...

Ҳавфли одам
Аммо терлатгани ёмон...

Бепарво
Ҳа, ёмон...

Ҳавфли одам
Кўрасан, майдалаб ташлайман уни!

Бепарво
Майдалаб дейсизми? Менга барибир...

ухлаб қолади

Хушомадгўй
Кундузи ухламоқ кони фойда-да!

Ҳавфли одам
Кундузи ухласам бошим оғрийди...

Хушомадгўй
Жуда бепарвосиз!
Қўнғироқ қилинг,
Ман шундоқ ғизиллаб етиб келаман —
Уқаламоқ зарур бошгинангизни!

Ҳавфли одам
Меҳрибон одамсан... Эрта қўлимга
Қуёшни қўндириб келсам, не дейсан?

Хушомадгўй
Акажон, буюк иш қилибсиз дейман!

Ҳавфли одам
Ажойиб одамсан!

Хушомадгўйнинг кўзларида ёш
Бас, йиғламанг!..
Садоқатда танҳо, эй, дўсти ғариб,
Бир кул-чи... Кула қол... Сенга совғам бор...

ўйланиб
Гаройиб бир фикр бошимга келди:
Қуёшни қўлимга киргизгандан сўнг.
Сени тайинласам қуёшбонликка...
не дейсан?

Файз АҲМАД ФАЙЗ

РУС ИНҚИЛОБИ

Уфқлардан уфқлар қадар
Тун ўқ еган қуш мисол
Судраларди бемажол.
Бирдан тоғ ёғду сочди —
Рўдапо зулмат шакли
Ситилиб тушди кўздан.
Кейин бирдан ловуллаб
Ёна бошлади юрак.
Етти қат фалак шунда
Мовий дарвозаларин
Биринма-кетин очди;
Еттинчи фалак
Шаффоф
Кўзгу каби порларди.
Мағрибу Машриқдаги
Жамики турмаларнинг
Эшиклари ғийқиллаб,
Сурон ичра очилди.
Янги тузум асоси —
Пойдевори тикланди.
Асримиз юрагидан
Тўкилган қонлар учун,
Ҳақиқат деб ғам, азоб
Чеккан одамлар учун
Интиқом бўлди бутун.
Бутун қуллик кишанлари
Эритилиб,
Кетаётган карвонларга
Қўнғироқлар қилинди.
Узилган занжирларнинг
Парчалари ушбу кун

Офтоб нурларида
Ярақлаган қиличдек
Кўкка даст кўтарилган
Қўлларда
Ярқирайди.
Юрак ҳориб қолса
қачондир,
Бир қаро кун рўй берса
агар,
Барча шубҳа, барча
гуссалар,
Кечмиш — бари бир
чоҳга чўкар:
Не ҳам дердим шунда,
лаҳзалар?
Ахир
Мамот муддатида бир
Умид-орзу бўлгай
барибир...
Неча марта тонготар
пайтни
Зор кутдим мен,
юракда оғу!
Неча марта кўрдим
даҳшатни!
Неча марта
такрорланди у?
Видолашдим неча бор
кун-ла!
Қайтиб келди кундуз
неча бор!

Ва неча бор юрак
бутунлай
Парчаланиб, бут бўлди
такрор!
Изтироб ҳам, бахтиёрлик
ҳам —
Бари ўтди, қолди орқада.
Не ҳам дердим қачондир,
Бир дам
Юрак ҳориб, ўртаса
кадар?
Чекил, ҳадик!
Чекил, эй гумон!
Кўрқув қалбга сола
олмас из,
Не бўлса ҳам, бош
бўлсин омон,
Не бўлса ҳам, бир кун
кўрармиз!
Дил,
Кулмоқни истасанг
— кулгин,
Истасанг гар — ғарқ
бўл кўз ёшга!
Фақат ўзинг имоним
бўлгин —
Кўражакмиз не тушса
бошга!

Тоҳир ҚАҲҲОР
таржимаси.

Анатолий ЕРШОВ

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

(ОЧЕРКДАН ПАРЧА)

иқтисодий жиҳатдан бахолаб кўрайлик-а бир.

Шундай қилиб, башарти Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистоннинг табиий-географик харитасига кўз ташлайдиган бўлсак, унда хаританинг аксари ерини жигарранг ҳамда сариқ ранг: тоғлар, саҳро, яримсаҳро, қирғоқ чўллар эгалланганини кўрамиз. Фақат дарё воҳаларию канал ёқаларида кўк ранг—воҳалар кўзга ташланади. Ана шу воҳаю водийлардаги суғориладиган ерлар бор-йўғи етти миллионга яқин гектарни ташкил қилади. Аслида эса, олимларнинг ҳисоблаб чиқишларича, ҳосил берадиган майдон эллик миллион гектардан ортиқроқ!

Бизнинг яна бир бойлигимиз — иқлим, об-ҳавонинг иссиқлиги. Бизда ҳаво илиқ кунлар даври олти ойдан ўн ойгача боради, ёзги ҳавонинг иссиқлиги эса пахтанинг, тамаки, шоли, соя, узум экинлари ҳамда талай хил субтропик мевалар каби иссиққсевар экинларнинг пишиб етилиши имконини беради.

Қуйидаги рақамларни келтирмай иложим ҳам, имконим ҳам йўқ: мелиорациялаштирилмаган ернинг гектаридан 140 сўмлик маҳсулот олинган бир пайтда, суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектаридан 1340 сўмлик ҳосил кўтарилади.

«Хўш, гап нимада ўзи? — деб сўрайди ўқувчи ва ўша заҳотиёқ бундай дейди:— Келинглар, ўлкамизда бунинг нафи шунчалар катта экан, тезроқ янги ерлар очиб, у ерларга сув келтирайлик, ахир!»

Турган гап, биз шундай қиляпмиз ҳам. В. И. Ленин совет ҳокимиятининг илк тонгларидаёқ: «Ҳали бекор ётган ерлар бор... Ажойиб ерлар, уларни ўзлаштирмоқ керак!» —деб ёзган эди. Ленининг бу орзусини коммунистлар ўзларининг дастурилмаллари қилиб олганлар. Социалистик Ватанимиз қарор топган дастлабки йилларданоқ бўз ерларни ўзлаштириш, қўриқ очиш режалаштириб келинади. Бироқ, қўриқ ерларни ўзлаштириш бобида инсоният тарихида мисли кўрилмаган кўламда иш бошлаб юбориш эллигинчи йилларга тўғри келди, совет халқлари якдиллик билан ўзларининг бутун ғайрат-шижоатларини Қозоғистон қўриқ ерларини ўзлаштиришга қаратдилар. Ўзбекистоннинг ўзлаштиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди уни.

Тўққизинчи, ўнинчи беш йилликларда Ўзбекистонда қўриқ ерлардан 510 минг гектардан ер қишлоқ хўжалиги ҳисобига қўшилди. Хулоса қилиб айтганда, ўн йил мобайнида — бир миллион гектар! Қаерда, қайси мамлакатда шундай кўламда иш олиб борилапти?

Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» китобини ўқиган ҳар асрлар давомида инсон қўли тегмаган бўз ерларига ҳам деярли шу билан бир даврда чинакам ҳужум бошлаб юборилди. Борди-ю, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, республикамизда кенг миқёсда янги ерларни ўзлаштириш айнан Қозоғистон қўриғини очишнинг бевосита таъсири остида кенг қулоч ёйди.

Кекса ва ўрта авлод кишилари яхши эслайдилар буни. 1956 йил... Газеталар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мирзачўлда уч юз минг гектар ерни ўзлаштириш тўғрисидаги қарорини эълон қилдилар... Пигит-қизларимизнинг ғайрат-шижоатлари беқиёс жўш урди. Республика комсомоли улардан энг сара ва энг мунозибларини асрий бўш ётган ерларга ҳужумга йўллади.

Йил кетидан йиллар ўтди. Катта қўриқнинг сингдиси деб тилга олинган Мирзачўлда иқтисодий аҳамияти жиҳатидан Фарғона водийсига тенг келадиган воҳа бунёдга келди. Янги суғориладиган ерлар, яъни 1956 йилдан кейин ташкил этилган совхозлар давлатга миллион-миллион тонналаб ортиқроқ пахта етиштириб бериб, бўз ерларни ўзлаштиришга сарф қилинган ҳаражатни аллақачон қопладилар.

Бироқ инсон эришган муваффақиятлари билан қаноатланиб, чекланиб қололмайди. Янги Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши — Қарши даштн ўз бағрига чорлади, ёш ташаббускорларни. Бу ерда барпо бўлган янги совхозлар аллақачон биринчи миллион тонна пахтани етиштириб берди.

Ўзбекистон қўриқ ерлари на Мирзачўл, на Қарши даштлари билан тугайди. Бугунги кунда Марказий Фарғона, Сурхон — Шеробод воҳасидаги бўз ерларни, Жиззах чўлини, Амударё мансаби — Қорақалпоғистондаги ерларни ўзлаштиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди уни.

Тўққизинчи, ўнинчи беш йилликларда Ўзбекистонда қўриқ ерлардан 510 минг гектардан ер қишлоқ хўжалиги ҳисобига қўшилди. Хулоса қилиб айтганда, ўн йил мобайнида — бир миллион гектар! Қаерда, қайси мамлакатда шундай кўламда иш олиб борилапти?

Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» китобини ўқиган ҳар бир совет кишисининг ғурурга тўлишининг боиси мана шунда. Бу асарнинг 1978 йилда нашр этилиши қанчалар аҳамият касб этди. Айнан мамлакатимиз Туркистон ерларини суғориш ҳақидаги Ленин декретининг 60 йиллигини нишонлаётган йилда, Қозоғистон қўриқ ерларини ўзлаштириш бошланганининг 25 йиллиги арафасида чоп этилди у.

Пахта етиштириш ҳамма ерда ҳам оғир меҳнатни талаб этади. Лекин янги очилган ерда айниқса мушкул. Бундай ерни парвариш қилиш, суғориш — сувга қондириш, ҳосилдор қилиш лозим. Шунга қарамай, бўз очган азаматлар учун улар эгалломайдиган марра, улар ошиб ўтолмайдиган тўсиқ йўқ. Мана, ўлкамизнинг чўлу биёбонлари унга бўйин эгди, бир пайтлар жонсиз ерлар гуллаб — яшнаётган водию воҳаларга айланди. Ҳозирги кундаги Ўзбекистон пахтасининг ҳар уч тонналаб бири янги ўзлаштирилган ерларда етиштирилмоқда!

Ўзимиз шоҳиди бўлиб турибмизки, чўлу саҳроларни ўзлаштираётган қўриқчиларимиз фидокорона тер тўкдилар. Бундан бўёғига ҳам шундай фидокорликка тайёрдирлар. Аммо... Энди гап шу аммо устида боради, ҳамма иш ана шу муаммога, яъники сувга борибқ тақалар экан. Сирдарёнинг қўшимча ерларини сув билан таъминлаш имконияти 1985 йилга бориб бутунлай тугайди. Асримизнинг 90-йиллари чегарасида энг йирик дарёмиз — Амударёнинг ҳам зоҳира имкониятлари битади. Тўғри, ер ости сув манбаълари пича қўл келиши мумкин, бироқ уларнинг ҳам тугаб—битиши аниққу, ахир. Хўш, унда нима қилиш керак у ёғига?

Сув ажойибу, антиқа модда. На қўшимча маданий ўғит улуши, на, зараркунанда ҳашаротлар ёки ёввойи ўтларга қарши курашиладиган восита лар билан унинг ўрнини босиб бўлади, ҳеч қанақанги кимёвий чора-тадбирлар босолмайди унинг ўрнини! Шундоқ бўлгач, Саҳройи Кабирда ҳаво ҳалокатига учраган пайтида бу ажойиб суюқликнинг чинакам қадр-қийматини англаб етган Сент Экзюперининг қуйидаги «Сув! Сенинг на таъминг, на тусинг, на исинг бор, сени таърифлаб бўлмайди, сенинг ҳаёт учун зарур эканингни билмай туриб сендан ҳузур — ҳаловат топадилар: сен ҳаётнинг ўзгинасисан. Сен ҳис-туйғуларимиз-ла тушунтириб бўлмайдиган бир тарзда вужудимизга қувончу шодлик бахш этасан. Сен биз йўқотган куч-қувватни қайта тиклайсан. Сенинг марҳамату мурувватинг билан жисмимизда қуриб қолган қалб чашмаларимиз яна милдираб жўш ура бошлайди», деган антиқа сўзларни ҳам эсламай бўладими!

Ер курраснинг қургоқчил минтақаларида яшовчи халқлар сувнинг қадри-қийматини жуда яхши биладилар. Ўрта Осиё ҳам ана шунақанги минтақаларга киради. Ахир ўлкамиз халқи: «Сув йўқ жойда ҳаёт йўқ», «Ҳосилнинг оғаси ер эмас, сув...» деб бекор айтмайдилар-ку. Шу ўринда, башарти биз Ўрта Осиё республикаларининг тараққиёт даражасини уларнинг сув хўжаликлари ривожланиши даражасига қараб баҳоласа бўлади десак, муболаға бўлмас-ов.

Совет ҳокимияти қарор топган йиллар мобайнида суғорилаётган ерлар майдони биргина Ўзбекистоннинг ўзида икки баробар кўпайди. Шу йиллар ичида йигирма чоғли йирик сув омборлари — чинакам сунъий денгизлар қурилди. Чорвоқ, Андижон, Қаттақўрғон, Жанубий Сурхон, Таллимаржон, Пачкамар сув омборлари ва бошқалар. Уларнинг умумий ҳажми 4,5 миллиард куб метрдан ортиқроқ. Ҳали бу ҳаммаси эмас— қўшни республикаларнинг тоғларида барпо этилган, масалан, Тўхтағул ва Норак каби сув омборлари Ўзбекистон далалари «хизматида». Республика воҳаю водийларини каналларнинг мовий тасмалари бамисли тўрдай чирмаб олган. Шу сунъий дарё, ариқларнинг узунлиги 150 минг километрдан ошди. «Фазовий муқояслар» ишқибозлари истасалар бу масофа билан бутун ер курраснни тўрт марта «ўраб» чиқишлари мумкин. Совет Ўзбекистони измидаги бундайин баркамол ҳамда бундайин замонавий ирригация-мели о р а ция иншоотлари билан бирорта капиталистик давлат мақтана олмайди. Шу боисдан ҳам, кези келганда, ўлкамизга суғориш ишларини ўргангани бутун дунёдан келиб туришларини айтиб ўтмоқлик жоиздир...

Э. МИРОБИДОВ
таржимаси.

Гафур ҒУЛОМ

Гулқайчи

Шоирлик носқовоғидан бир отим

(ИЗҲОРИ ФАЗЛ ТАРИҚАСИДА)

«Бировнинг зоғорасидан ўзимнинг шулоним яхши», дегандек, биз билан ҳам танишадиган бўлиб қолдингиз. Чунки, камина ҳам «анови шоирлар» жумласидан бўлганим учун, «Шеърни мен ёзаю, занбарни онам тўқисин», деб дафтарингизга ўзимни тиркаш учун келган эдим. Ҳайтовур лўмбирим мингдан ошмаса тўрга эди. Шоирлигимга қойил келмасангиз, мана буни ўқинг:

Байналмилал
аҳвол чатоқ,
жуда айрон,
Сармоядор
давлатларнинг
кўнгли вайрон.
Эй кашшофлар,
олға босинг,
бўлмай ҳайрон,
Бу шеъримиз
ширин, аччиқ,
чучмал, нордон.

Мана бу санъатимга қойил қолмасликка ўрин йўқ, байналмилал аҳволдан тортиб, кашшофлар ҳаракатигача, магрибдан машриқ, Майманадан Мисарагача, ипдан-игнасигача, таҳлили ўз ичида, худди сазои нотиқларимизнинг аталажўш маърузаларидек. Табиатингиз кўтарса, ўзимдаги табиий талант, яъни истеъдоднинг бадиий намуналаридан яна бир ғалвирини тўкиб, бошингиздан атала қўйгандек қилиб қўяй:

Хўжалигимиз
тузалиб қолди,
Болға-ўроқ
тимсай ишлабон.

Ҳаромхўр буржуй
ирвайиб қолди,
Нон деб кесакни
ғарчча тишлабон.

Эй деҳқон
бобонинг қизи,
Вой нишчи
тоғамнинг ўғли,
Бирлашингиз!
Ана,
Ана, кўкда ой ҳам
сизга ёғдусини
тўкиб турибди,
Қирда туя
«Нима гап?» деб,
чўкиб турибди,
Жонгинам,
шундай яхши,
унумли замонда,
Бир боқиб қўйинг,
войдод,
қолманг армонда,
Кўр бўлсин,
йўқолсин,
Чимбирлик!

28 июль, ярманка.

Мана бунисн мойдек ёқиб, нордон пиядек сингдирдир таъби шарифингизга, а?.. Биздаги нафосат замонангизнинг шоирларида топилса, гўштимни хомталаш қилинг, тоға. Мана бу эрдаги «назирам»га боқингчи, тавба қилдим, шу вақтдаги шоирларникидан камми?

ХАНДАЛАК ПОЛИЗИДА БИР МОЖАРО

(Эшимқулга назира)

Қайси шудгордан
етилиб чиқдим,
Қайси пуштада
ғўдайиб пишдим,
Ким сугордию
ким экди мени?..
Бу чоқ:
Мени «кўкча»
дейдилар,
Кўкча,
бироқ Аччиниким.
Кўкчани
сапча дейдилар,
Сапчанинг
тўкилган туки.
Энди:
Четанингга ҳам
тушаман ўзим,
Ширинман,
тилни ҳам
ёраман ўзим.

Хулласи калом, бу ҳамма фазилатларимни «Носқовоқдан бир отим» деб қўя беринг. Чунки янгангиз билан уй ичида ҳам муомиламиз шоирона:

— Ўтин йўқ,
ёғ тугаб,
челакнинг
Ичида каламуш
ўлибдир.
Ошхона бузилиб,
элакнинг
Гардиши дабдала
бўлибдир.
Том тешик,
қиш қаттиқ,
катакнинг
Бир ёни ўпирилиб
кетибдир. —

деб кундалик гални ҳам шеър билан айтадирган бўлиб қолдик. Чунки бизга шоирлик ота мерос бўлганидек, волида ҳам «Алла»ни ўзлари тўқир эдилар. Шунинг учун ўзимни сизга тақдим қилиш билан баробар керак фурсатда каминадан фойдаланиб турмогингизни тавсия этаман.

Эҳтиром билан камина:

НУРТОЙ шоир.
(1928).

10 Справкалар бюроси

ҲАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

В. ҲАКИМОВ: Айтингчи, ўзаро ёрдам кассаси правленнеси касса раиси ва ревизия комиссиясининг аъзоларини мукофотлаш мумкинми?

Жавоб: Ўзаро ёрдам кассаси правленнеси касса раиси ва ревизия комиссиясининг аъзоларини мукофотлашга ҳақли эмас. Чунки ўзаро ёрдам кассасининг ревизия комиссияси касса правленнесининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қиладиган орган ҳисобланади. Ўзаро ёрдам кассаси раисини ва ревизия комиссиясининг аъзоларини фабрика-завод маҳаллий комитетининг қарори билангина, касаба союз комитети активларини мукофотлашни кўзда тутган маблағ ҳисобигагина тақдирлаш мумкин.

* * *

Г. АЛИЕВ: Ўғлимиз мактабни олтин медаль билан тугаллаган. Шу ўринда мени бир масала қизиқтиради: ўрта мактабни олтин медаль билан битирганлар учун олий ўқув юртларига киришда бериладиган имтиёзлар неча йилгача сақланиб қолади?

Жавоб: Ўрта мактабни олтин медаль билан тугаллаган ёшларнинг олий ўқув юртларига кириш чоғида уларга бериладиган имтиёзлар улар мактабни битирганларидан сўнг қанча вақт ўтганидан қатъий назар, бу имтиёзлар сақланиб қолади. Шу ҳусусдаги тўла маълумотни 1981 йилда СССРдаги олий ўқув юртларига қабул қилиш Қоидаларидан батафсил билиб олиш мумкин.

∴ ∴ ∴

Р. ИСМАТОВ: Мусиқали ёзувларга қизиқаман. Шу бонсдан ўзим ёқтирган куйларни магнит ленталарига ёздириб олмоқчи эдим. Шу хусусда қаерга мурожаат қилсам бўлади?

Жавоб: Тошкент овоз ёзиш студиясига магнит ленталарига стереофоник ёзувларни ва бошқа ёзувларни ёздиришга буюртма бериш мумкин. Буюртмани ёзма равишда ҳам берса бўлади. Бунинг учун аниқ уй адреси, буюртмачининг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек, ёздирмоқчи бўлган музика асари аниқ кўрсатилиши керак. Магнитофон лентаси типини буюртмачи ўзи танлаши мумкин. Ушбу студия Тошкент шаҳрининг Полторацкий кўчасидаги 29-уйда жойлашган.

∴ ∴ ∴

Р. САЛАЕВА: Мен географияга қизиқаман. Шунинг учун ҳам Сизлардан мамлакатимиздаги энг узун канал қаерда жойлашганлиги тўғрисида маълумот беришингизни сўрайман.

Жавоб: Бизнинг мамлакатимизда жаҳонда энг йирик бўлган кўпгина каналлар мавжуд. Шулар ўртасида биринчи ўринни В. И. Ленин номидаги Қорақум канали эгаллайди. Маълумки, Қорақум каналининг узунлиги минг километрдан зиёдни ташкил этади.

∴ ∴ ∴

Ж. ҚОСИМОВА: Менга китоб саҳифаларига томган ёғ доғларнни қандай қилиб кетказиш тўғрисида маслаҳат берсангиз.

Жавоб: Янги ёғ доғларини доғ томган жойга босма қорози қўйиб, уни иссиқ дазмол билан бир неча бор босган ҳолда йўқотиш мумкин. Эски доғларни эса магнезия ва бензин аралашмаси билан кетказса бўлади. Бунинг учун доғ тушган жойни намланган тампон билан оҳиста ювиш ва уни қуритиш керак.

Редактор
ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

3 Тошкент
без окшоми

21 СЕНТЯБРЬ, 1981 й.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

21 СЕНТЯБРДА

ШАҲАРДАГИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА

«МАТРОСЛАРНИНГ САВОЛИ ЙЎҚ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРДИ



Постановкачи режиссёр — В. РОГОВОЙ.

Ролларда: Н. КАЗНАЧЕЕВА, В. АНДРЕЕВ, Т. ПЕЛЬТЦЕР, М. ПУГОВКИН ва бошқалар қатнашадилар.

Эндигина мактабни тамомлаган Алька Москва театр институтининг актёрлик факультетига ўқишга кириш учун самолётда учиб кетяпти. Балиқчи кема матроси Саня ўз қишлоғига тўйга боряпти. Улар тасодифан самолётда ёнма-ён ўтиришади. Шундай қилиб, характери турлича бўлган бу икки ёш танишиб қолишади.

Самолёт мажбуран бошқа шаҳарга қўнади. Ана шу жойдан уларнинг саргузаштлари бошланади.

Турли-туман йўл тасодифларидан сўнг ниҳоят улар Москвага етиб келишади. Имтиҳондан йиқилдим, деб ўйлаган Алька тушкунликка тушади, шунда Саня уни ўз қишлоғига тўйга таклиф этади. Кутилмаганда Алька, Санянинг ўз тўйига эмас, балки собиқ қайлиғининг тўйига келаётганини билиб қолади. Саня эса Алькага севги изҳор этади. Қиз бу ҳолатда ўзини ноқулай сезиб, қочиб қолади. Бир қанча вақт ўтгач, Саня Алькани излаб топади. Алька ўзи орзу қилган институтга кириб, Саня ишлаётган кемада концерт қўйгани боради.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ФИЛЬМЛАРИ МАРКАЗИЙ СТУДИЯСИ ИШЛАГАН.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

27, 29, 30 СЕНТЯБРЬ СОАТ 14.00, 17.00 ВА 20.00 ДА

УКРАИНА ССР ХАЛҚ АРТИСТИ, БУТУНИТТИФОҚ ВА ХАЛҚАРО КОНКУРСЛАР ЛАУРЕАТИ

СОФИЯ РОТАРУ ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

«ЧЕРВОНО РУТА» ВОКАЛЬ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ ЖЎР БЎЛАДИ

Билетлар спорт зали кассасида сотилмоқда.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

46-03-12, 46-07-53 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

176-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Токарь-универсал, тракторчи-синовчи (ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади), **техника контроли бўлими контолери** (қизлар қабул қилинади), **электр кўприкли кранларининг машинисти,** (қизлар қабул қилинади), **дурадгор. Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил;**

Электр-газ пайвандловчи (дипломли), **электрокара ихтисослиги билан автослесарь** (ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади), **автослесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, слесарь-асбобсоз. Ўқиш муддати— 3 йил;**

Электр пайвандловчи, штамповкачи, бўёқчи-сувоқчи. Ўқиш муддати— 6— 10 ой.

6— 10 ой муддат билан ўқийдиганлар стипендия оладилар. Таълимнинг 3 йиллик муддати билан ўқитиладиган группаларда ўқийдиганларга ўрта махсус маълумот тўғрисида дипломлар берилади.

Барча ўқувчилар бепул овқат билан таъминланадилар,

3 йил ўқийдиганлар эса— кўчалик ва иш кийимлари билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишланган иш ҳақининг 33 процента тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга секция типидаги шинам жиҳозланган ётоқхоналардан жой берилади.

Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқини берадиган йўлланма билан юборилади. Қолганлар эса исталган олий ўқув юртининг кечки ва сиртқи бўлимларига, шу жумладан Тошкент политехника институтининг трактор заводи қошидаги кечки факультетига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқини оладилар.

Билим юртида техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик, фототўгараклари, спортнинг 14 тури бўйича спорт секциялари, Чорвоқ сув омбори атрофида ёзги дам олиш базаси ишлаб туради.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур бўлади: ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, характеристика, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), ота-онасининг иш жойидан справка, ота-онасининг аризаси, 6 та фотосурат, (3х4 см.).

Группаларнинг комплектланишига қараб машғулотлар бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри. Трактор заводининг биринчи массиви (1«з».16, 24-автобусларнинг «Охирги» бекати). Телефонлар: 64-69-42, 64-69-40.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 22/IX да **Рўйхатларда йўқ.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/IX да **Тўндан олдин томоша,** 23/IX да **Дилафрўзга тўрт ошиқ.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ЮРИЙ ЭЛЬВЕРТИ РАҲБАРЛИГИДАГИ «ҚУШЛАР ЦИРКИ»НИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

21 СЕНТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАВОБ ЮРИШ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

«МАТРОСЛАРНИНГ САВОЛИ ЙЎҚ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда) **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Дружба** (тоқ соатларда, Телефон. 66-15-75).

«ОҚИМГА ҚАРШИ» — **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«ОТЛАРНИ КЕЧУВДА АЛМАШТИРМАЙДИЛАР» — **Москва** (17, 20.30), **Восток** (17, 20.00), **Санъат саройи** (16.30, 19.45), **Чайка** (18, 20.30), **Фестиваль** (21.20).

«ОҚ ҚАРҒА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«РОСТГУИ, ДОНО, БЎЙДОҚ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ»— **Санъат ат саройи** (17, 19.30).

22 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ШИМОЛ КАШТАЛАРИ» — **Қозоғистон.**

«РАЙС» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАВОБ ЮРИШ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

«МАТРОСЛАРНИНГ САВОЛИ ЙЎҚ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда) **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Дружба** (тоқ соатларда. Телефон 66-15-75).

«ОҚИМГА ҚАРШИ» — **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«ОТЛАРНИ КЕЧУВДА АЛМАШТИРМАЙДИЛАР» — **Москва** (11, 14, 17, 20.30), **Восток** (11, 14, 17, 20.00), **Санъат саройи** (11, 13.45, 16.30, 19.45), **Чайка**, (12, 15, 18, 20.30), **Фестиваль** (21.20).

«ОҚ ҚАРҒА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«РОСТГУИ, ДОНО, БЎЙДОҚ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«ОГАРЕВА, 6», ПЕТРОВКА, 38» — **Искра** (16, 19.30).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ»— **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30).

ЭРКАКЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

22—25 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА

ЭРКАКЛАР ТУАЛЕТИ ПРЕДМЕТЛАРИНИНГ

Савдо-кўргазмаси ўтказилади

Сизнинг эътиборингизга «Москва—3», «Микма», «Харьков—5», «Харьков—22М», «Харьков—32 авто», «Нева—201», «Чайка—304 авто» электр устаралари ҳавола қилинади. Сотувчи-консультантлар ҳар бир моделга характеристика берадилар.

Савдо-кўргазмасида эркакларнинг мамлакатимизда (Ленинграддаги «Новость» фирмасида, Москванинг «Луч» фирмасида) ҳамда чет элларда (Сурия, ЧССР, ГДР, ПХР) ишлаб чиқарилган галстуклари кенг ассортиментда савдога қўйилади. **Бу галстукларни «Узоптгалантерея» республика базаси харидорларга тавсия этади.**

Сиз ёшингиз, дидингиз, модага мос қилиб сунъий шойи ва жун матолардан бир хил ва ҳар хил рангдаги ўзи бойланадиган ҳамда регат галстукларини танлаб олишингиз мумкин.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ЦУМ.

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» РЕСПУБЛИКА БАЗАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.



МАРКАЗИЙ КОММЕРЦИЯ-РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ



ОРБИТА

РАДИОАППАРАТУРАЛАРНИНГ РЎЗҒОРБОП МОДЕЛЛАРИНИ


ТАКЛИФ ҚИЛАДИ


Сизга кўтариб юриладиган радиоприёмник зарурми? Шунда Сиз айтасиз — албатта! Бундай десангиз жуда ҳам ҳақлисиз.

Саёҳат қилаётганингизда, ёки туристик сафарларга борганингизда бундай радиоприёмниклар Сизга чиндан ҳам энг яқин йўлдош бўлади. Улар дунё воқеалари ҳақида, спорт янгиликлари тўғрисида Сизга ҳар хил хабарларни етказиб туради, музикали программалардан баҳраманд этади.

«СЕЛГА—405» транзисторли радиоприёмник портфель ёки сумкачага осон сиғади. Ригадаги «Радиотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган бу модель ўзининг аввалги турдошларидан овозининг сифати яхшилиги, ташқи безалишининг нафислиги билан ажралиб туради. «СЕЛГА» «316» олти элементли ёки «крон» батарейкаларидан қувват олиб узун ва қисқа тўлқинли диапозонларда яхши ишлайди.

Приёмникнинг баҳоси — 32 сўм 97 тийин.





Кўтариб юриладиган «ОКЕАН— 209» транзисторли радиоприёмник янгиликлар, ахборотлар ва музика оламида жуда ҳам енгил ва майин ишлайди. Приёмникнинг юксак даражада сезувчанлиги ва аъло даражада исталган станцияни танлай олиши —узун, ўрта, бешта қисқа тўлқинли ва битта ультра қисқа тўлқинли —саккизта диапозондан бирида эшиттиришларни аниқ қабул қилишга созлаш имконини беради. Ультра қисқа тўлқинли диапозонида частоталарни автоматик созлайдиган қурилма ўрнатилган. Қувват олиб ишлаш такомиллашган— электр тармоғидан ёки «373» типидаги олтита элементдан қувват олиб ишлайверади.

Баҳоси — 136 сўм.

«АЛЬПИНИСТ— 418» транзисторли радиоприёмникнинг походларда баҳоси йўқ. Бу радиоприёмник атроф-муҳитнинг об-ҳавоси кескин ўзгариб турганида ва намгарчилик меъёридан ошиб кетган шароитларда ҳам аъло даражада ишлайверади.

«АЛЬПИНИСТ» узун ва ўрта диапозонлаги эшиттиришларни тиниқ қабул қилади.

Приёмникнинг корпуси зарбга бардош берадиган полистирол материали билан қопланган, ҳозирги даврнинг барча талабларига тўла жавоб беради.

Баҳоси — 32 сўм 34 тийин.



«ОРБИТА» МАРКАЗИЙ КОММЕРЦИЯ-РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

21 СЕНТЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевиденнинг «Восток» программаси

17.55 «Ёшлар адреслари». 18.55 «Саёҳатчи қурбақа». Мультфильм. 19.15 Халқ чолғулари ижрочилари II Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати В. Зажигин чалади (балалайка). 19.30 «Билиш сирларига доир». Илмий-оммабоп фильм. 20.00 «Катерина Измайлова». Телевизион музикали спектакль премьераси. Д. Д. Шостакович нинг шу номли операси асосида. 21.30 «Время». 22.05 «Катерина Измайлова». Телевизион музикали спектаклнинг давоми. 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденнинг тўртинчи программаси

Профилактика муносабати билан душанба, 21 сентябрь куни Марказий телевидение IV программасининг кўрсатувлари намойиш этилмайди.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Чигирек». Қўғирчоқ фильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун «Китоб — бизнинг дўстимиз». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади «Ватанпарвар». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 Болгария Халқ Республикаси Хасково округининг бадиий ҳаваскорлик коллективи ижро этади. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси эстрада-симфоник оркестри ҳамда солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол қундалиги. 22.35 Телевизион театр. Алп Жамол. «Укинч». 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 Болалар учун фильм. «Бувам ва кичкина барабан». 18.35 «Океан ёнидаги ер». Телефильм. 19.30 Қизиқувчилар экрани. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Аччиқ тақдир». Телевизион бадиий фильм (рус). 21.30

22 СЕНТЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевиденнинг «Восток» программаси

9.00 «Время» 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Катерина Измайлова». Телевизион музикали спектакль. 13.15 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма: «Ўзингни ўғилларингда такрорла», «Мерос», «Асрлар бизга қучоқ очмоқда», «Баҳор кунларида», «Участковой». 16.30 Н. Мясковский. 3-соната. До минор. 16.45 «Рус тили». 17.15 «Телестадион».

17.45 Кабарда-Болқар АССР «Кабардинка» Давлат рақс ансамблининг концерти. 18.30 «Пропагандист ҳақида сўз». Телевизион очерк. 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!» Украина ССР Фанлар академияси Г. О. Патон номли электр-пайвандлаш институтининг фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасидаги тажрибаси ҳақида. Кўрсатувда Украина ССР Фанлар академиясининг президенти, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва СССР Давлат мукофотларининг лауреати, академик Б. Е. Патон иштирок этади. 20.00 «Куз оҳанги». Фильм-концерт. 20.10 «Иккинчи авеню маҳбуси» Телевизион спектакль премьераси. Автор — Н. Саймон. 21.30 «Время». 22.05 М. Горький номли Марказий маданият ва истироҳат боғида ёшлар кечаси. 23.30 «Дунё воқеалари».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Болалар учун фильм. «Агапич». 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Нон, нон, нон». Адабий музикали композиция. 18.40 «Юмор» телевизион театри. С. Сиёев. «Огир вазнли жанжалкаш аёл». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Кинопублицист экрани». 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси этнографик ансамблининг концерти. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 Телевидение экранида биринчи марта «Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

II

18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим-фахрим». 18.55 «Тавриялик қизлар». Фильм-концерт. 19.20 Эстетика асослари. Эстетиканинг асосий категориялари. Гўзаллик ва ҳунуклик (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. СССР Конституцияси — мамлакатимизнинг Асосий қонуни. 20.50 «Булутлар остидаги бугулар». Телефильм. 21.00 Ўқитувчи экрани 21.30 МТ — IV.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ —, 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; аълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 39-90-50.

21 СЕНТЯБРЬ, 1981 й. Р— 03189. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В—2198. индекс 64581.